

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 119 (11.680)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чораларнинг самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.**



### Ислоҳотлар оқидамида

### Янги иш ўринлари яратилади

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва жадал ривожлантиришга давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор тўғрисида алоҳида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

олиятимизни 14 ишчи билан бошлагандик, ҳозирги кунда кенг жорий этилган замонавий технологиялар 105 нафар малакали мутахассис томонидан бошқарилаётди. Корхонада 250 турдан зиёд фурнитура ва автомобильлар учун двигателга ёнилғи етказиб берувчи қисм — мисдан тайёрланган нейлон трубка ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланган. Ички ва ташқи бозорни чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардорлиги боис ҳам хариддорлиги таъминланмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2010 йил 24 июнь куни соат 11.00да шаҳар ҳокимлигининг катта мажлисларида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 7 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номи маърузаларининг асосий қоида ва хулосаларини рўйга чиқариш юзасидан Сенатнинг ҳаракат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, уларни минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари, дастурларнинг Тошкент шаҳрида ижро этилиши тўғрисида,

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг устувор вазифалари юзасидан биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар тўғрисида,

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги «2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулияти тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ижроси бўйича Чилонзор тумани ҳокимлиги фаолияти тўғрисида,

— 2010 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилиши юзасидан Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг ҳисоботи,

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман) Тошкент шаҳар минтақавий вакилининг 2009 йилги фаолияти ҳақида ахборот,

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 7 майдаги қарори билан тасдиқланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш тўғрисида ва бошқа масалалар.

### ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** тумани хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган «Раҳбар аёллар» клуби ва «Шарқ аёли» жамоат жамғармаси томонидан ҳамкорликда «Аёлнинг илм-маърифат тараққиётидаги роли» мавзусида анжуман ўтказилди.

✓ **КАМОЛИДДИН** Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, ота-оналар, ўқитувчилар иштирокида «Очқ эшиклар кўни» уюштирилди.

✓ **ТОШКЕНТ** фотосуратлар уйи қошидаги мактаб-студия ижодкорлари томонидан тайёрлаб намоён этилган фотосуратлар кўргазмаси Баркамол авлод йилига бағишланди.

**Мамлакатимиздаги барқарор иқтисодий ўсиш, кун сайин чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, энг муҳими, тинчлик-осойишталик хорижлик ишбилармонлар ва сайёҳларнинг юртимизга қизиқишини оширишда. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари, тарихий обидалари ва маданий ёдгорликлари асрлар оша дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Кейинги йилларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ажодларимиз меросини асраб-авайлаш, ўрганиш, тарғиб этиш ва умумбашарий мулк, қадрият сифатида келгуси авлодларга етказиш борасидаги хайрли тадбирлар халқроқ жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилмоқда.**

### Ўзбекистон хорижликлар нигоҳида

### ЎЗБЕКИСТОНГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ

ЎЗА мухбири Самарқанд шаҳрига келган айрим хорижлик сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Дидье де ла ХАЙ (Франция):

— Ўзбекистон ҳақида кўп нарсалар ўрганган эдим. Лекин ўз кўзим билан кўриб, юртингизнинг кўнгли очик, меҳмондўст одамлари билан суҳбатлашиб, унга бутунлай ихлосим ошди. Бу юртининг тарихи қанчалик буюк ва бой бўлса, бугунги ҳам шунга муносиб эканига ишонч ҳосил қилдим. Халқингизнинг муомала маданияти, моҳир хунармандлар ишлаган жозибадор буюмлар, уста пазандалар тортиқ қилган миллий таомлар бир умр ёдимда қолади.

Ўзбекистон қисқа фурсатда дунёда ўз муносиб ўрнини топгани, обрў-эътибор қозонгани, нуфузи юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатингиз Президенти юритаётган оқилона сиёсат самарасидир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари таъминлангани, кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Жорий йилда Ўзбекистон қатор йирик халқроқ анжуманларга, жумладан, Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисига, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига мезбонлик қилгани мамлакатингизнинг халқроқ майдондаги нуфузи нечоғлик ошиб бораётгани ҳақида аниқ тасаввур беради.

Мишель ДОМЕНЖ (Франция):

— Тошкентни томоша қилиб, бу шаҳар аллақачон дунёнинг йирик мегополислари қаторидан жой олганига амин бўлдим. Театр ва музейлар, муҳташам бинолар, камалак жилланган заррин фаворалар, яшилликка бурканган кенг ва файзли кўчалару хибоблар, одамларнинг очик ва мамнун чехралари менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш ва ободонлаштиришга катта эътиборнинг, айни пайтда табиатга меҳр билан муносабатда бўлишнинг ёрқин ифодасидир. Самарқандга келиб ҳайратим янада ошди. Бамисоли эрталар шаҳрига тушиб қолгандек бўлдим. Регистон ансамбли, Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир мақбараси каби бетакрор обидаларнинг меъморий ечими, бугунга қадар асл ҳолида сақлаб келинаётгани, киши ақлини шоширувчи гўзаллиги ва салобати ҳақиқий мўъжизадир. Бу тарихий обидалар ҳақида кўп эшитганман. Лекин уларнинг қаршисида туриб, бутун қадди баста ва салобати билан кўриш ҳайратланарли, унинг завқи ва таассуротини сўз билан ифодалаш қийин.

Шаҳарда кенг қўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқдаки, бу Самарқандга беҳиз «қадимий ва ҳамиша на-вқирон» сифати берилмаганининг ёрқин белгисидир.

Жуҳа КОМПА хоним (Финляндия):

— Ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ва хунармандлик анъаналарига жуда қизиқман. Мамлакатингизда деярли ҳар бир инсоннинг қўлида хунари бор экан. Айниқса, қўли гул аёлларнинг нафис санъати — миллий либослар, ранго-ранг каштаю сўзаналар тикиш авлоддан авлодга ўтиб келаётгани халқингиз ўз анъаналарини давом эттираётганини кўрсатади.

Саёҳатим давомида жойларда бўлган турли маросимларда иштирок этишга муяссар бўлдим, турфа одамлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг самимияти ва меҳмондўстлиги, меҳр-оқибати менда ўчмас таассурот қолдирди. Бугунги глобаллашув асрида — техника-технология ривожланиб, одамларнинг онгу тафаккури ўзгариб бораётган бир даврда бундай муомала ва муносабатга ҳавас қилса арзийди. Ҳамиша фарзандлари — ёшлар камолоти учун қайғурадиган, тинчлик, эл-юрт осойишталиги ва фаровонлигини ҳар нарсадан устун қўйадиган бундай меҳнатқаш, бағрикенг, олижаноб халқ буюк ишларга қодир. Буни юртингиз тараққиёти яққол исботлаб турибди.

ЎЗА мухбири  
Ғолиб ҲАСАНОВ  
ёзиб олди.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

• Тошкент Давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан ташкил этилган «Қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш — баркамол авлодни самарали тарбиялаш омили: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Мамлакатимизга ташриф буюрган Италиянинг 13 провинцияси уюшмаси раиси, Сиракуза провинцияси маъмурияти раҳбари Никола Боно бошчилигидаги делегация аъзолари қатор вазирилик ва идораларда музокаралар ўтказди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг навбатдаги мажлисида сўзга чиққанлар солиқларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни, суд амалиётида шу соҳага оид қонун ҳужжатларини қўллашда юзага келаётган айрим масалалар, уларнинг ечими борасида баҳс ва мунозаралар юритдилар.

• Гулистон шаҳрида иқтидорли, истеъдодли ёшларни кашф этиш ва уларни рағбатлантириш йўлида ташкил этилаётган «Келажак овози» республика кўриктанловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 200дан ортиқ ўқувчи-ёшлар «Ахборот технологиялари ва рационализаторлик тақлифлари, техник ишланмалар», «Архитектура ва дизайн-нер», «Бадий ижод ва публицистика» номинациялари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

• Урганч шаҳрида «Маънавий тарғибот: изчиллик ва самарадорлик сари» мавзусида ўтказилган амалий семинарда мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш, ёш авлод онгига миллий истиқлол гоъларини чуқур сингдириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатлар, тегишли вазирилик, кўмита ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

• Польшада мuddатидан олдин президент сайловларининг биринчи тури бўлиб ўтди. Унда ҳеч қайси номзод тегишли микдордаги сайловчилар овозини тўплай олмади. Энди Ярослав Качински ва Бронислав Комаровски иштирокида 4 июль кўни ўтказилаётган иккинчи тур сайловларида мамлакат янги президентининг номи маълум бўлади.

• Кеча Колумбияда ҳам президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда собиқ мудофаа вазири Хуан Мануэл Сантос 69 фоиздан зиёд овоз тўплагани ҳолда голиб чиқди. Янги президент аввалги давлат раҳбари Альваро Урибенинг йўлини давом эттиришини билдирди. Хуан Мануэл Сантоснинг инаугурация маросими 7 август кўни ўтказилади.

• Исроил Ғазо секторидида 2006 йилдан буён давом этаётган камал режимини куруқлик бўйича сусайтиришини маълум қилди ва ҳарбий соҳага тааллуқли бўлмаган БМТ орқали келтирилаётган товарларни янада кўпроқ ўтказишини баён этди. Исроилнинг ушбу қарорини АҚШ ва бошқа кўпчилик давлатлар қўллаб-қувватламоқда.

• Буюк Британиянинг «Бритиш петролеум» компанияси Мексика кўрғазини шикастланган нефть қувиридан бир кунда сизиб чиқаётган «қора олтин» микдори юз минг баррелгача кўтарилиши мумкинлигини билдирди. Компания ушбу нохуш ҳолатнинг олдини олиш мақсадида 50 миллиард доллар ҳажмдаги маблағ сарфлашни кўзда тутмоқда. Таъкидлаш керакики, ҳозирда «Бритиш петролеум» томонидан бир кунда 15 минг баррел ҳажмдаги нефть ўрнатилган қувиридан оқибатда олинилади. Компания режасига кўра, ушбу кўрсаткич тез орада 50 минг тоннага етказилади.



Бугун бозорга кирган киши расталардаги турфа ноз-неъматларни кўриб, она юртимиз саховати ва деҳқон меҳнатига таҳсин айтади. Серкуёш заманимиз ҳосили — сархил мевалар аҳоли дастурхонига барока, саломатлигига қувват бағишлаётир. Бозорларимиз тўқинлиги юртимиз ободлиги ва халқимиз ҳаёти фаровонлигининг кўзгусидир.

## Бозор — кўзгу ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАМОЙИШИ

— Ҳақдан буён шу бозорда са-  
ноат ва ҳўжалик товарлари билан сав-  
до қиламан, — дейди хусусий тад-  
биркор Фаҳриддин Маҳмудов. — Дўко-  
нимизда назорат-касса ва «Халқ бан-  
ки»нинг тўлов терминали ишлаб тур-  
рибди. Барча банкларга те-  
гишли пластик карточкаларни қабул қила-  
миз. Бир кунда тўлов тер-  
минали орқали 500-600 минг  
сўм, нақд пул-  
га эса 300  
минг сўм ат-  
рофида савдо  
бўлади. Ҳў-  
зимиз ҳам жой ҳақи ва солиқ тўловла-  
рини терминал орқали тўлаймиз.



Бозорнинг янги ишлаб чиқилган  
паспортида унинг ихтисослашуви,  
турғун савдо нуқталари, иш тартиби,  
жойлашуви ва бошқа маълумотлар  
жамланган. Тозалик ва озодлик қатъ-  
ий назоратга олинган. Бозор хизмат-  
чилари ва сотувчилар махсус кийим-  
лар билан таъминланган. Уларнинг хар-  
идорлар билан муомала мадания-  
тига алоҳида эътибор қаратилиб, ра-  
дио тармоғи орқали санитария қоид-  
ларига риоя қилиш, арзон нархларда  
савдога чиқарилган маҳсулотлар ҳақида  
хабар ва тушунтиришлар бе-  
риб борилади.

Аммо, бундан мазкур бозорда бар-  
ча ишлар талаб даражасида экан, де-  
ган хулоса чиқариш керак эмас. Бо-  
зор дарвозаси ёнидаги автомобил-  
ларни вақтинча сақлаш жойида дав-  
латимиз раҳбарининг қароридан бел-  
гиланган вазибалар ҳали охиригача  
бажарилгани йўқ. Шохобча назорат-  
чисининг айтишича, бу ерда тўлов тер-  
минали ва фискал хотирли назорат-  
касса машинаси қўйилган, бироқ  
«хўзирча» ишламайди.

Бу гаплардан мурод қилдан қийик  
ахтариш ёхуд айбдорни излаш эмас.  
Ақсинча, автомобиль эгаларига хиз-  
мат кўрсатишни яхши йўлга қўйиш ҳам  
бозор инфратузилмасининг мукам-  
маллигини аниқлашнинг эслатиб  
қўйишдан иборатдир.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА муҳбири

Буларнинг барчаси Президентимиз  
Ислом Каримов раҳнамолигида агр-  
рар соҳани изчил ислоҳ қилиш ва  
деҳқонларимиз етиштирган маҳсулот-  
ларни аҳолига етказиб беришни ти-  
зимли ривожлантириш борасида амалга  
оширилаётган кенг қўламли  
чора-тадбирларнинг амалий натижа-  
сидир.

Илгари бозорларимизда асосан хо-  
риж маҳсулотлари сотилган бўлса,  
энди юртимизда кичик бизнес, хусу-  
сий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати  
изчил ривожланиб, халқ исте-  
тьмоли ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсу-  
лотларини тайёрлаш микдор ва сифат  
жиҳатдан юксалди. Бу борада давлатимиз  
раҳбарининг 2006 йил 11  
январда қабул қилинган «Мева-саб-  
завотчилик ва узумчилик соҳасини  
ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-  
тадбирлар тўғрисида»ги қарори му-  
ҳим дастуриламал бўлаётир.

Тошкент шаҳрида юзга яқин кат-  
та-кичик бозор аҳоли хизматида.  
Уларнинг замонавий қиёфа касб эта-  
ётгани дойтахтимиз кўрмага-кўрк  
қўшмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда  
янги бозорлар барпо этиш, улар  
фаолиятини яхшилаш ва ободонлаш-  
тириш, сотувчи ва харидорларга қўлай  
шарт-шароит яратиш борасида кенг  
қўламли ишлар қилинди. Президенти-  
миз Ислом Каримовнинг шу йил  
26 апрелда қабул қилинган «Деҳқон

бозорлари ва савдо комплек-  
лари фаолиятини ташкил қилишни  
янада такомиллаштириш чора-тад-  
бирлари тўғрисида»ги қарори  
бозорлар тизими янада ривожлантириш,  
моддий-техник базасини мус-  
таҳкамлаш, хизмат кўрсатиш дара-  
жасини юксалтиришда муҳим омил  
бўлмоқда.

«Миробод деҳқон бозори»да ҳам  
тўловлар ҳисобини тўғри ташкил этиш,  
терминаллар ва назорат-касса аппа-  
ратлари билан таъминлаш, сифатсиз,  
қалбаки ва контрабанда маҳсулотла-  
рининг сотилиши ҳамда нарх-навоининг  
асоссиз ўсишининг олдини олишга  
алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Патта тўловларини маҳсулот тури-  
га қараб белгилаш жорий этилиб, со-  
тувчилардан йиғиладиган жой ва хиз-  
мат ҳақи тушумлари компьютерлаш-  
тирилган тарзда амалга оширилмоқда.  
Тушумларнинг тўлиқ йиғилишини  
таъминлаш учун бозор ҳудудида  
«Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент  
шаҳар минтақавий бўлими томонидан  
замонавий жиҳозланган учта касса-  
кабина ишлаб турибди.

## Иқтисодиёт

### БУНЁДКОРЛИК АШЁЛАРИ

Ички бозорда ўз ўрнига эга  
ишлаб чиқарувчилар  
маҳсулотининг  
рақобатбардошлиги аввало  
замонавий техника ва  
технологиялардан унумли  
фойдаланиши самарасидир.

«Westone Aziya» масъулияти чекланган жа-  
миятида маҳсулот сифатига қаратилаётган  
эътибор харидорлар сафи кенгайишида, бу-  
юртмаларнинг ортиб боришида хизмат қил-  
моқда. Бу ерда бунёдкорликда қўлланилади-  
ган бетон плита ва блоклари 20 йиллик ка-  
фолат билан ишлаб чиқарилади.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга ҳали бир  
йил бўлгани йўқ, аммо маҳсулотларимизга  
талаб кун сайин ортиб бормоқда. Корхона-  
мизда Германиянинг дастгоҳ ва ускуналари  
ўрнатилган, — дейди жамият бошқаруви раи-  
си Мурод Абдуллаев. — Сифатига қаратилган  
асосий эътибор боис буюртмачиларимиздан,  
масалан, «GABUS» қурилиш ташкилоти муҳ-  
ташам бинолар бунёд қилишда маҳсулотла-  
римиздан кенг фойдаланади, шунингдек На-  
войи шаҳридаги эркин саноат ҳудуди доира-  
сидаги фирмалар, яқна тартибдаги субъект-  
лар сафи ҳам ортиб бормоқда.

Айни кунларда корхонада янги маҳсулот  
турларини яратиш, шунингдек экспортни йўлга  
қўйиш устида изланилмоқда.

### МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Бугуннинг талабига мос  
либослар ишлаб чиқаришда  
маҳсулот дизайни ва сифатига  
қаратилган эътибор уларнинг  
харидоргирлигини  
таъминлайди.

«Text-M» хусусий корхонаси 2004 йил-  
да фаолиятини бошлаган бўлиб, эркак, аёл  
ва ўсмирларга мавсумли либослар ва мах-  
сус иш кийимлари ишлаб чиқаради.

Бу ерда 32 нафар тикучи ва дизайнерлар  
меҳнат қилади, шунингдек 20 нафар аёл ка-  
саначилик асосида иш юритиб келмоқда.  
Мавсумий кийим-кечаклар ҳам иқлим ўзга-  
ришлари инobatга олинган ҳолда яратилади.  
Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юри-  
таётган корхона ишчи-хизматчилари саъй-  
ҳаракати йўроқ маҳсулотлар йирик корхона-  
ташкilotларга етказиб берилди.

Корхона яқин орада янги биного кўчири-  
либ, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари  
билан жиҳозланиши мўлжалланган, шунинг-  
дек ишлаб чиқариш қувватларини кенгайти-  
риш, қўшимча иш ўринларини яратиш, ишчи-  
хизматчилар учун меҳнат ва дам олиш шаро-  
итларини янада яхшилаш бўйича кенг тад-  
бирлар кўзда тутилган. Лойиҳага кўра Гер-  
мания, Туркия ва Хитойнинг компьютерлаш-  
тирилган тикучи ускуналари, гул босиш машинала-  
ри, пресс-ускуналари ўрнатилиши кўзда ту-  
тилган.

### БЕЖИРИМ ВА ҚУЛАЙ

Бежирим, қулай сумкалар  
аёлларимизга ҳамиша  
асқотади.

«To'rt fasl-fayz» масъулияти чекланган жа-  
миятида ана шундай сумкалар ишлаб чиқар-  
илади. Бу маҳсулотларнинг импорт ўрнини  
босаётгани ва четдан келтирилган шу каби  
товарлардан бирмунча арзонлиги эътиборга  
лойик. Мазкур корхонада 20 нафар фуқаро  
иш билан таъминланган.

— Корхонамизда Россия ва Хитойдан кел-  
тирилган тикучи машиналари тажрибали ди-  
зайнер, технолог ва малакали бичувчилар то-  
монидан компьютер орқали бошқариб бори-  
лади. 400 дан ортқ турдаги сумкалар савдо  
шоҳобчалари орқали тарқатилади, — деди жа-  
мият бошқаруви раиси Олимжон Аширов.

Бир-бирини такорламайдиган турфа хил ва  
ҳажмлардаги сумкаларнинг харидоргирлиги  
нисбатан арзонлиги билан таъминланмоқда.  
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши ба-  
робаридан олинган соф фойда ҳам кўпаяётган-  
ни эътиборга молик. Шу боис корхонада пухта  
изланишлар давом этмоқда. Жорий йил  
яқинида қадар табиий чармдан маҳсулот иш-  
лаб чиқаришга мўлжалланган цех иш бош-  
лайди, хом ашё асосан маҳаллий ишлаб чи-  
қарувчилар томонидан таъминлаб борилади.  
Муҳаммад УМАРБЕКОВА

## ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ЯНГИ ЛУФАТ

Алоқа тарихи музейида ахборот-коммуникация технологиялари атамалари  
луғатининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ушбу нашр БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида мамлакатни ривожланти-  
ришда ахборот-коммуникация технологияларини шакллантириш ва жорий қилишда кўмаклашишга оид  
(ICTP) лойиҳаси, Компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни мувофиқлаш-  
тириш кенгаши ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида тайёрланди.

Луғат оддий компьютер терминларидан тармоқ технологиялари ва дастурлашгача бўлган барча турда-  
ги ўзбек тилидаги сўзларни — 4000 дан зиёд замонавий атама ва тушунчаларни ҳамда кўп ишлатиладиган  
қисқартма сўзларни қамраб олган. Эътиборли жиҳати, мазкур тўлдирилган такомиллаштирилган иккинчи  
нашрдан 450 дан ортқ диаграмма, расм, фотосурат ва логотиплардан фойдаланган. Луғатнинг биринчи  
нашри 2004 йилда чоп этилган эди. Ушбу нашр АКТ бўйича мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар  
оммасига мўлжалланган.

В.НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда изчиллик билан татбиқ этиб  
келинаётган Инқирозга қарши чоралар  
дастурида барча турдаги энергия манбалари  
ва коммунал хизматларнинг асосий турлари  
бўйича нархларни 6-8 фоиздан оширмаслик  
механизми алоҳида аҳамиятга эга.

Электрэнергетика тизимини  
модернизация қилиш, энергия  
истеъмолини камайтириш ва  
энергия тежашининг самарали  
тизими жорий этилиши кўп жи-  
ҳатдан мавжуд ресурслардан,  
биринчи навбатда, энергия ре-  
сурсларидан қанчалик тежамли  
фойдалана олишимизга  
боғлиқдир.

Электр қуввати ишлаб  
чиқарилиши Ўзбекистон-  
нинг экспорт салоҳиятида  
алоҳида ўринга эга. Де-  
мак, ушбу соҳани янада  
ривожлантириш, такомил-  
лаштириш ва самарадор-  
лигини ошириш стратегик  
мақсадларимиздан ҳисоб-  
ланади, миллий манфаатлари-  
мизни рўёбга чиқишида ўта му-  
ҳим ва долзарб аҳамият касб  
этади.

Маълумки, ҳар қандай давлат-  
нинг қудрати, унинг жаҳон сиё-  
сий майдонидаги макеи ва ўрни  
фақат табиий ва ер ости бой-  
ликлари билан эмас, балки ушбу  
бойликлардан, табиий-иқлимий  
ва ишлаб чиқариш имкониятла-  
ридан тараққиёт учун қай дара-  
жада фойдалана олаётганигига  
қараб баҳоланади. Шу ҳам аён-  
ки, ер усти ва ер ости бойлик-  
ларига етарлича эга бўлган,  
аммо ривожланишдан ортда  
қолаётган мамлакатлар ҳам бор.

Мамлакат тараққиётида муҳим  
ўрин тутадиган омиллардан  
бири — электрэнергия соҳаси  
экан, бугунги кунда ҳеч бир соҳа  
ривожини электр қувватисиз та-  
саввур қилиш қийин. Иқтисоди-  
ётнинг барча тармоқлари учун  
бирламчи эҳтиёж бўлган электр

## ЭНЕРГИЯ ТЕЖАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

манбаидан самарали фойдала-  
ниш ҳозирда энг долзарб ма-  
саладан бири бўлса, ушбу  
манбаларнинг экспорти мамла-  
катнинг иқтисодий қудратини  
оширади.

Мухтасар қилиб айтганда,  
электр энергияси мамлакатимиз  
учун нафақат энергия манбаи,  
балки жаҳон энергетика бозори-  
да ўз ўрнини эга бўлишимиз-  
да асосий омиллардан бўлиб,  
истиқболимизни белгиловчи,  
барқарорлиқни таъминловчи энг  
долзарб вазифадир.

Масалан, асосан электр энер-  
гиясини четдан истеъмол қилиб  
келган Нидерландия бугунги кун-

да шамол ёрдамида электр  
энергияси ишлаб чиқарадиган  
Европа давлатлари ичида энг  
етақисига айланди. Бу мамла-  
катнинг жўғрофий жойлашуви,  
яъни денгиз сатҳидан бир мун-  
ча паст жойлашганилиги, бунинг  
натijasида доимий шамол эсиб  
туришини ҳисобга олган ҳолда  
соҳани янада такомиллаштириш-  
нинг кенг истиқболи мавжуд  
эканлигини ҳам алоҳида таъкид-  
лаб ўтиш лозим.

Қайта тикланадиган энергия  
ишлаб чиқарадиган етакчи дав-  
латлардан бири сифатида тан  
олинган Япония бугунги кунда  
шамол қувватини электр энер-  
гиясига айлантирадиган махсус  
ускуналар, қуёш батарея-  
лари ва аккумуляторлари ишлаб  
чиқармоқда ва экспорт қилин-  
моқда. Албатта, мавжуд табиий-жўғро-  
фий омил ҳам борки, Япо-  
нияга ўзи ишлаб чиқара-  
ётган электр энергия ман-  
баини четга экспорт қилиш  
имконини бермайди. Асосий омил — бу

мамлакат алоҳида оролда жой-  
лашганлигидир.

Бугунги кунда электр манбаи-  
ни ишлаб чиқаришда хом ашё  
муаммосининг мавжуд эканли-  
гини таъкидлаш керак. Айниқса бу  
ҳолат жаҳон молиявий-иқтисод-  
ий инқирозини шароитида ўта  
мураккаб тус олаётганлигини  
ҳам унутмаслик лозим, бунга эса  
айнан хом ашё нархининг ўзга-  
рувчанлиги сабаб бўлмоқда.

Пўлатжон ҚУРБОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият  
қурилиши  
академияси тингловчиси

## Жамоат ташкилотларида МАСЪУЛИЯТ ИНТИЛИШГА УНДАЙДИ

Инсон манфаатлари ва ижтимоий  
ҳимояси мамлакатимизда энг устувор  
вазифалар қаторида барча жабҳада  
таъминланиб келинади. Бу борада  
айниқса энг оммавий  
ташкilotлардан бири бўлган касаба  
ушкmalари томонидан амалга  
оширилаётган саъй-ҳаракатлар  
кўлами кенг.


Агрисаноат мажмуи хо-  
димлари касаб уюшма-  
си шаҳар кенгашининг  
ҳисобот анжуманида  
қўридаги фикрлар  
ўртага ташланиб, ўтган  
йиллар давомида амал-  
га оширилган ишлар  
сарҳисоб қилинди.

— Бозор муносабатла-  
ри тобора ривожланиб  
бораётган даврда меҳ-  
наткашларнинг манфа-  
атини қонуний ҳимоя  
қилишга катта аҳамият  
берилаётир, — деди кен-  
гаш раиси Ноила Умаро-  
ва. — Касаба уюшмаси  
кўмиталари томонидан  
иш бевувчилар билан ту-  
зилган жамоа шартнома-  
си асосида кам таъмин-  
ланган, кўп болали  
ишчи-хизматчиларга, ҳу-  
сусан, аёлларга қўшим-  
ча имтиёз ва кафолат-  
лар қаторида оммавий-  
маданий тадбирларга  
ҳам зарур маблағлар  
ажратилмоқда. Меҳнат-  
кашлар ва уларнинг фар-  
зандларини соғломлаш-  
тиришга, спортни ри-  
вожлантиришга ҳам кат-  
та эътибор қаратилаётир.  
Тизим ходимларидан 600  
дан зиёди сихатгоҳлар-  
да, 1,2 мингдан зиёди —  
дам олиш уйларида, 2,5  
минг киши «Настарин» ва  
«Ором» профилакторий-  
ларида соғлигини мус-

таҳкамлашга муваффақ  
бўлди. Бундан ташқари,  
ишчи-хизматчиларга  
Митрофанов номидаги  
сув спорти саройига 600  
та чипта тарқатилди.  
Тўрт мингдан зиёд бола-  
жон «Ихтирочи» ва  
«Ғунча» оромгоҳларида  
дам олди. Ушбу мақсад-  
ларга 627 миллион  
сўмдан зиёд маблағ  
сарфланди. Маданий да-  
стурлар доирасида Али-  
шер Навоий номидаги  
Миллий ҳамда Фафур  
Фулмон номидаги мадани-  
ят ва истироҳат боғла-  
рида кўплаб тадбирлар,  
спорт мусобақалари  
ўтказилди. Ақсарият  
бошланғич касаб уюш-  
маси ташкilotлари то-  
монидан ишчи-ходим-  
ларни театр, концерт,  
цирк томошаларига жалб  
этишга, тарихий обида-  
ларни зиёрат қилишга  
олиб боришга катта  
эътибор қаратилди.

Хисобот йиғилишида  
ютуқлар билан бирга  
камчиликлар устида ҳам  
тўхталинди, кейинги ре-  
жалар бўйича тақлиф ва  
тавсиялар эшитилди,  
бошланғич касаб уюш-  
маларининг устувор ва-  
зифалари ҳақида фикр-  
мулоҳазалар билдирилди.  
Шоира  
МУҲАМЕДОВА

# Хатлар — ҳаёт ойнаси



## Соғлом келажак сари


### БАХТЛИ БОЛАЛИК БАҒРИДА

**Баркамол авлод йилида хайрли ва эзгуликка ёндош ишлар янада кенг қулоч ёяётгани гувоҳимиз. Йил бошидан оқ ёшлар учун жуда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Болалар майдончалари, эртақлар шаҳарчалари, спорт мажмуалари шулар жумласидандир.**

Яккасарой туманидаги «Кушбеги» маҳалласида болалар майдончалари яна иккитага кўпайди.

— Маҳалламизда бунёд этилган болалар спорт майдончаларининг очилиши байрам тантанасига айланиб кетди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Орипов. — Шаҳар ва туман ҳокимлиги ҳомийлигида юзага келган ушбу сўлим гўшалар бугунги кунда маҳалла аҳлининг сеvimли дам олиш масканига айланди. Юртимиз болажон халқ. Улар учун яратилаётган шарт-шароитлардан кўнглимиз кўтарилиб, кўзи-

миз кувнайди. Қалбимиз ифтихор туйғуларига тўлади. Болажонлар юзидagi шодлик ҳаётимизга мазмун, кунларимизга завқ бағишлаб, умримизга умр қўшмоқда. Орзу-умидларимиз асосида, қилаётган ҳар бир ишимизда фарзандларимиз камолоти, эртанги кунимиз мужассамдир. Маҳалламизда очилган мўъжазгина майдон эса нафақат болажонлар, отахон-онахонлар, уй бекалари, барча шу ерда истиқомат қилувчи фуқароларнинг шодлигига шодлик қўшди. Маҳалламиз номидан ҳомийларимизга миннатдорлик билдираемиз.



Дарҳақиқат, болалар дам олиш майдончаси ва сунъий қопламали очик футбол майдончасининг фойдаланишга топширилишида биз ҳам иштирок этиб, болажонларнинг қанчалик беҳад хурсанд бўлаётганини кузатдик. Турар жойларда бундай имкониятлар яратилиши ёш авлодга бўлган эътиборнинг яна бир дубоча кўринишидир.

Спорт майдончасига келсак, бу ерда эндиликда ҳар куни 200-300 нафар бола футбол ва бошқа спорт турлари билан мунтазам равишда шуғулланиб, уларнинг бўш вақтини унумли ўтказишга, саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳа, болалик энг гўзал палла. Унинг бағрида беғуборлик, беозорлик ҳукм суради. Фарзандларимизни энг гўзал ҳис-туйғуларга ошно этиш, улар қалбига эзгулик, яхшилик нурларини мунавварроқ сочиш, келажакка ишонч, Ватанга садоқат туйғусини чуқур сингдириш учун аввало уларга бахтли болаликни инъом этиш керак. Зеро, соф орзуларга бой, ойдин хаёлларга ошно, нурафшон тонгларга туташ, гўзал ёшлик келажакнинг мустаҳкам пойдеворидир. Келажак эса бугундан бошланади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

**Нон буюк неъмат. Унинг ҳар бир ушоғи ҳам эъзозда. Чунки тириклик, сув, ҳаво ва нон билан узвийдир. Ерга тушган нон бурдасини кўзимизга суртиб, авайлаб олиб қўйиш одатимизга айланган. Яқинларимиз узоққа отланса, яхши ният билан «ризқинг сени кутмоқда» деб, нон тишлатиб қоламиз. Чақалоқлар боши остига ҳам «нондек улуг ва иззатли бўл» деб, нон кўямиз.**

## Дилимдаги тилимда

### НЕЪМАТЛАРИМИЗНИ АСРАНГ, БОЛАМ

Бироқ баъзида болажонларимиз ушбу неъматнинг қадрини бир оз сусайтиргандек туюлаётганга ўхшаётди. Йўлларда чиқинди қутилари ёнида ётган нон бурдаларига кўзим тушиб, дилим ранжийди. Вужудимда нимадир галаён қилади. Унинг уволдан кўркаман. Ҳаммамизга инсоф тилаб, нонни чанглардан тозалаб, четроққа олиб кўяман.

Бу ҳол айниқса кўп қаватли уйларда яшаётган аҳоли гавжум жойларда содир бўлмоқда. Наҳотки ризқимизни чиқиндига тенглаштирсак. Унинг уволи кимни тутайди? Ёки увол ва гуноҳдан кўрқмай қўйдикми.

Болажонларим, бизнинг ўзбекона урф-одатларимиз нон билан бошланади. Насибамизни асрайлик. Йўл бўйларидан нонни қўлларига ушлаб, «олиб кетинг» ишорасида қўл силтаётган сотувчиларга ҳам эътирозларим бор. Бебаҳо неъмат бир парча буюм эмаски, уни чанг, тўзон, иссиқ ва совуқда қўлларимизда кўтариб турсак. Ахир бу тозалikka ҳам тўғри келмайди. Нонни тановул қиламиз. Ошқозонимизга кириб борадиган емишни нега энди очикда ушлаймиз. Ноннинг рекламага ҳам муҳтожлик жойи йўқ. Билмадим, йўлларда турнактор тизилиб, нон сотаётганларга буни қандай тушунтирсак экан?

Нон сотаётган болажоним, ризқинг бутун бўлсин. Сотайтган нонларингни устига оппоқ сочиқлар ёпиб қўйгин, баракаси учмайди. Хавотирланма, харидор ўзи сени танлаб келади, ризқингга ризқ қўшилади.

Балки, сўзларим кимгадир эриш туйилар. Бироқ насибамиз бўлган нонимизни асраш ҳар биримизнинг бурчимиз. Шундай экан, атрофга сал эътиборлироқ, озгина тийрақроқ бўлишга нима етсин. Азиз неъматни кўзга суриб яшайлик, азизлар.

Бек бобонинг сўзларини оққа кўчирувчи Гули ЧЕХРА

## Мактублардан сатрлар

### ХАЙР, МЕҲРИБОН УСТОЗИМ

**Мактабни тугатдик. Шундай хайрлашиш кунлари олдида биз, ўқувчилар, дил сўзларимизни газета саҳифалари орқали устозларимизга изҳор қилмоқчимиз.**

Устоз. Бугун таъзимдаемиз. Йиллар силсиласида ўзлгимизни англадик. Қалбимиз илм нурларига, дилларимиз эзгуликка тўлди. Яхши ва ёмонни, оқ ва қорани ажратмоққа ўргандик. Онгу шуригимиз равшанлашиб, фикрларимиз тиниклашиб, ақлимиз ўзини англаб етган бир пайтда сиз билан хайрлашишга ва жонажон мактабни тарк этишга мажбуримиз. Беғам, беташвиш, беозор болалигимиз шовқинлари билан тўлган муқаддас гўша бағридан кетишга шайланмоқдамиз. Минг бир машаққатла қўлимизга қалам тутқазиб, ёзишни, чизишни ўргатдингиз. Устозим, меҳнатингиз заҳматини бугун янада теранроқ англамоқдаман. Қалбим тубидан қайнаб чиқаётган илиқ сўзларим борки, барчаси сизга армуғон. Мактабни тугатдим, аммо унинг нечоғли қадрли гўша эканлигини энди ҳис қилиб бо-

Шаҳримизга салобат ва улугворлик бағишлаб турган бино ва иншоотларнинг гўзаллигини айтмай-сизми. Равон ва чароғон кўчалар тунда ҳам ёп-ёруғ рангларда жилланиб туради. Шу юртининг фарзанди эканлигимдан фахрланиб кетаман.

Аммо гуруч курмасиз бўлмаганидек, баъзи бир кўчаларимизга кирганимизда истайимизми-йўқми, озгина дил хиралашаркан. Нега дейсизми? Чунки ҳали ҳануз ўнқир-чўнқир, нотекис кўчалар оз бўлсада бор.

Яқинда ҳашаматли уйлар қурилган бир кўчага иш юзасидан йўлим тушди. Уйларни қўриб рости, ҳавасим келди. Кўркам, одамнинг кўзини ашнатадиган улугвор иморатларга нигоҳ ташлаб, халқимизнинг фаровон турмушидан ифтихор туйғуларини туяман. Ўзбегимнинг ўзбекона уйлари. Хаёл суриб кетаётиб, оёғим депсиниб мункиб кетдим. Не кўз билан қарайки, шундай катта-

## Фикр

### КЎРГАН КЎЗЛАР ҚУВНАСИН

**Чор-атрофга боққанинг сари дилинг яйраб, қалбинг ёришиб бораверади. Ҳар бир фаслнинг ўз гашти бор. Юртимизга кўз тегмасин. Файзли гўшаларимизга кўзимиз тушгани сайин кўнглимиз кўтарилади. Биз, ёшлар учун шундай жаннатмонанд юрда яшашнинг ўзи бир бахт.**

катта уйлари бор кўчанинг аҳоли хаминқадар. Чала ярим асфальтланган кўча, чуқурчаларга тўла. Бу не ҳол. Ҳар бир уйнинг эшиги олдида замонавий русумдаги қимматбаҳо машиналар турибди. Наҳотки кўча ахли ўзи истиқомат қилаётган жойга беъэтибор бўлса? Балки, бунинг бошқа сабаби бордир. Балки, яқинда қурилган ҳашамдор уйлар каби, йўлларни ҳам равон

қилишар... Кўнглимда жавоб тополмаган саволларим бир-бирига уланиб кетаверди. Нима бўлганда ҳам, шу кўчанинг тезроқ қайтадан асфальтланишини кин дилдан истайман. Зеро, кўркам уйлар кўркини чуқурчалар бузиб турмасин...

Беҳзод АБДУҒАНИЕВ,  
Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети журналистика факультети талабаси

## Миннатдорлик

### ДАРДГА ДАРМОН СЎЗ

**Ҳурматли таҳририят, «Оқшом» газетасини мунтазам ўқиб бораман. Лекин биринчи мартаба хат ёзишим. Мен Собир Раҳимов туманида истиқомат қиламан. Очигини айтганда, яқинда оилавий поликлиникамизнинг баъзи шифокорларидан бироз ранжидим. Тўғри, ҳамма беморнинг кўнглини бир хил олиб бўлмаслиги мумкин, лекин айти пайтда уларга ёрдам бериш ушбу соҳа мутахассисларининг асосий вазифаси эмасми...**

Турмушга чиққан қизим мени ўзи рўйхатда турадиган 17-оилавий поликлиникасига олиб борди. Улар мени самими кўтиб олишди. Шифокорларнинг ширинсўзлиги, меҳрибонлигидан бошим осмонга етди. Эндокринолог Камоллаҳон Камолхонова, терапевт Наргиза Турсунова синчиклаб

текшириб, тавсиялар беришди ва зарур муолажалар ёзиб беришди. Бир оғиз ширин сўз жон озиғи деган қимматли сўзнинг қудрати нечоғлик баланд эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Биз, кексалар, ширин сўзга, меҳрга жуда ҳам таянамиз.

Азиза БАДАЛОВА

раяпман. Устозимнинг самимият ва меҳр тўла кўзларига қараб, улар олдида ҳамиша қарздор эканлигимизни янада теранроқ англаяпман.

Ойдинисо ИБРОҲИМОВА

## ДИЙДОР ШИРИН

**Ҳар бир инсон ҳар тонг ўзи фаолият юритаётган ишхонасига меҳр билан талпинади. Шижоат ва куч-қувватга тўлиб, шахдам қадамлар билан кириб боради.**

Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиниканинг мазкур бинода иш бошлаганига яқинда 40 йил тўлди. Шу муносабат билан муассасамизда катта байрам тантанасини нишонладик. Тўқин дастурхон атрофида бутун жамоамиз, меҳнат фахрийлари, поликлиникага меҳнати синган кўплаб кишилар жамулжам бўлишди. Бош шифокор Ф. Мўминова ва туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Б.Дадамўхамедов барчамизни кутлуг сана билан муборакбод этишди.

Айтмоқчиманки, бу ҳаётда яшашнинг ўзи бир бахт. Бир-биримизнинг қадримизга етиб, ҳар бир кунимизни ардоқлаб, ён-атрофдагиларга меҳр кўрсатиб яшагга нима етсин. Йиллар тез ўтқинчи, вақт ганимат, унинг қадрига етайлик, азизлар.

Н.ЖАББОРОВА,  
шифокор-стоматолог

## Таълим масканларида

### КАСБИЙ МАҲОРАТ МАКТАБИ

**Дейлик, хонадонингиз калитини йўқотиб қўйдингиз. Уй ичига бошқа йўл билан кириш иложини топа оласизми? Умуман олганда, бундай вазиятда нима қилиш керак? Бу саволларга аниқ жавобни ҳам, бевосита амалий кўмакни ҳам Фавкуллода вазиятлар хизмати бера олади. Мазкур хизмат бутун бир мажмуавий тизимнинг бўғини ҳисобланади. Бу борада Фуқаро муҳофазаси институти алоҳида ўрин тутайди, чунки бу ерда шу соҳа мутахассислари тайёрланади.**

Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Фавкуллода вазиятлар вазирлиги қошида 1996 йилда ташкил толган Фуқаро муҳофазаси институти нафақат соҳа мутахассисларини, балки турли йўналишда фаолият юритувчи раҳбар ходимларни ҳам табиий, техноген хусусиятли вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат олий касбий таълим муассасаси ҳисобланади. Бу таълим муассасаси, шунингдек фуқаро муҳофазаси бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишда бош ўқув-услубий ва илмий-педагогик марказ ҳамдир.

Ўқув жараёни иқтисодиёт объектларининг бир маромда фаолият кўрсатишини таъминлаш, аҳолини фавкуллода вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш бўйича махсус қонунчилик-методик ҳужжатлар асосида олиб борилади. Институт илмий ўқув бўлими ва ўқитувчилар ҳамкорлигида тайёрланган ўқув дастурига асосан малака оширишга келган фуқаро муҳофазаси раҳбарлари, яъни тингловчилар билан мунтазам равишда машғулотларни сифатли ўтказишига катта аҳамият берилади.

Машғулотлар назарий ва амалий услубларда, бевосита иқтисодиёт объектларининг ўзида ҳамда тизим тузилмаларида ўтказилади. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда компьютер технологиялари жорий этилиши билан назарий материалларни тасвирий кўрсатиш имкониятлари кескин ошди. Бизнинг институтда ҳам профессор-ўқитувчилар мультимедиа тизимидан кенг фойдаланиб, слайдлар орқали машғулотлар ўтиши муҳимлиги ва қулайлигини тушунган ҳолда шу услубда тингловчилар билан дарсларни ўтказмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Фавкуллода вазиятлар вазирлиги томонидан ёш ҳарбий хизматчиларни қўриқиб олиш тарбиялаш, қўқарувчиликдек олий ва шарофли касба хизмат қилишга ўргатиш, уларнинг матонати, жасорати ва маҳоратини муносиб рағбатлантириш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган.

Келажакимиз давомчилари бўлиши ёш авлод вакилларига ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини ўргатиш борасида ҳам институт профессор-ўқитувчилари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Фавкуллода вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда «Камалак» ва 288-мактабга таълим муассасалари, 250-ҳарбий спорт мактаби, 298, 58-мактаблар, 4-мактаб-интернатда ҳамда Тошкент ирригация ва мелiorация институтида мазкур олий ўқув юрти «Ҳаёт хавфсизлиги» кафедраси билан ҳамкорликда «Баркамол авлод — юрт келажак» шиори остида туркум семинар-машғулотлар ўтказилди.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан кейинги йилларда мавзуга оид кўплаб услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларга тарқатилган. Айти пайтда фуқаро муҳофазаси бўйича яна бир нечта китоб нашрга тайёрланди.

Рихсивой СОБИРОВА,  
Назокатхон САИДХОНОВА,  
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчилари

## Хайрия

### ИБРАТЛИ ТАШАББУС

**«Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда «Тошкент локбўёқ заводи» АЖда хайрия акцияси ўтказилди. Саломатлик ва тиббий статистика институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирларда ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчилари ва талабалар фаол қатнашди.**

Айтиб ўтиш жоизки, бундай хайрия тадбирларини илмий-ишлаб чиқариш корхонаси аънанавий тарзда ҳар йили халқаро донорлар кунига бағишлаб уюштириб келади.

— Бугунги кунда донорлик хизматини ҳам такомиллаштириш борасида кўп саъй-ҳаракатлар амалга ошириляётган, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали раҳбари Э.Маракаева. — Шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда ягона ҳисобланган «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасига ушбу йўналишдаги самарали фаолияти учун биринчи бўлиб референс, яъни назорат лабораториясининг сифат сертификатига эга. Бевосита акцияга келсак, кўплаб тадбиркорлик субъектлари, давлат ва жамоат ташкилотлари мамлакатимиз қон захирасини бойитишга беминнат ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилишди, бу борада айниқса камолотчиларимизни айтиб ўтиш жоиз. Етмишдан ортқ ёшларимиз иктиёрий қон топширишди. Бундай ташаббус, ният қиламизки, қўллаб-қувватланиб, донорлар сафи кенгайиб бораверади.

Саховатга йўрилган тадбирларда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси масъул ходимлари ва туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ҳам донорлар сафидан ўрин олишди.

Шавкат ЁҚУБОВ



Ёз-2010

### СЕРМАЗМУН ВА СЕРЗАВҚ ТАЪТИЛ

Болажонларимизнинг ёзги таътил кунлари мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида ўқув муассасалари қошида ҳам кундузги оромгоҳлар иш бошлади.

202-мактаб қошида ташкил этилган «Шодлик» оромгоҳи тўрт мавсумга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ёз давомида 800 дан зиёд бола дам олиши кутилмоқда. Айни пайтда «Наврўз», «Хайриобод», «Тинчлик», «Бўрижар» маҳаллаларида истиқомат қилувчи ўғил-қизлар ҳордиқ чиқармоқда. Оромгоҳда «Компьютер оламига саё-

ҳат», «Мусика сеҳри», «Ёш қаламкашлар», шахмат-шашка ва футбол тўғараклари узлуксиз фаолият кўрсатмоқда. Кўча кутубхона ҳам ташкил қилинган. Кун тартибидан эрталабки бадантарбия, сув муолажалари, нонушта, тушлик, турли спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар ўрин олган. — Дам олиш масканимизга малакали

тарбиячилар бириктирилган, - дейди оромгоҳ раҳбари Мухайё Саидқаримов. - «Камалак» болалар ташкилоти Чилонзор тумани бўлими томонидан саёҳатлар уюштирилиши кўзда тутилган. Болажонлар шахримиз музейлари, истироҳат боғлари, кутубхоналари билан яқиндан танишади. Ёз мавсуми давомида ўтказиладиган кўлаб маънавий-

маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уларнинг ҳам мароқли, ҳам мазмунли дам олишига хизмат қилади. Мақсадимиз, фарзандларимиз куч-қувват тўплаб, соғлиғини ҳам мустаҳкамлаган ҳолда янги ўқув жараёнига киришсин. Албатта, болаларнинг ҳар бир таътил кунини ўз тенгқурлари даврасида завқли ва қувноқ ўтиши уларнинг қадрдон мактаби кучоғига янада кучлироқ, янада билими ортиб қайтишини таъминлайди. Паризод СУЮНОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Кунини кеча Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Ҳуқуқий етуклик баркамолликка элтади» мавзусида учрашув ўтказилди.

### БИЛИМДОНЛАР ЭЪТИБОРДА

Унда Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда вилоят ҳокимликлари вакиллари, бир қатор идоралар ходимлари, пойтахт коллеж ва лицейлари ўқувчилари иштирок этди. Тадбирда мутахассислар томонидан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти оддий, халқчил, интэрфаол усулда тушунтирилди. Ўз навбатида, ёшлар томонидан берилган саволларга слайдлар намоиши орқали ҳамда оғзаки тарзда батафсил жавоб берилди. Бундан ташқари, коллеж ва лицейларнинг ҳуқуқ йўналишида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларига дарсларни янада такомиллаштириш, замонавий усуллардан фойдаланиш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни доимий равишда рағбатлантириб бориш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди. Тадбир давомида Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Ҳуқуқ билимдонлари-2010» республика беллашувининг «Баркамол авлод» (Тошкент шаҳри) ва «Адолат» (Тошкент вилояти) — ғолиб жамоалари ҳамда «Ёш оила қурувчилар мактаби» битирувчиларига махсус сертификат ва эсдалик совғалари топширилди. Акбар ЖИЯНОВ, «Туркистон-пресс»



### Жаҳон чемпионати-2010 КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Жанубий Африка Республикасида Франция — Мексика терма жамоалари баҳси билан жаҳон чемпионати «А» гуруҳининг иккинчи тури якунига етди.

ликларга муҳим ғалаба келтирди. «В» гуруҳидаги иккинчи тур баҳсларини Греция — Нигерия терма жамоалари бошлаб берди. Дастлабки турда Жанубий Африкаликларга 0:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган греклар асосан иккинчи бўлимда ташаббусни ўз қўлига олди. Ҳатто биринчи бўлимнинг 16-дақиқасида Уче дарвозани аниқ нишонга олиб, нигерияликларни ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлсада, Отто Регагел бош мураббийлигида ҳаракатланаётган грециялик чарм тўп усталари 44, 71-дақиқаларда Сальфингидес ва Тарахадисларнинг аниқ зарбалари эвазига учрашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этди. Ушбу гуруҳдан ўрин олган китъадошларимиз Жанубий Африкаликлар Диего Марadona бош мураббийлигидаги Аргентина терма жамоасига қарши кечган ўйинда ҳимоявий усулни танлади ва тан олиш керак, бу ўзини оқламади. Аргентиналикларнинг яққол устунлиги остида

кечган беллашув 4:1 ҳисобида Марadona шогирдларининг ғалабаси билан якунланди. Демак, Аргентина терма жамоаси кейинги босқич масаласини ҳал этиб бўлди. Гарчи кўпгадодларимиз мағлубият аламини тотиб қўрган бўлсада, уларда кейинги босқичга чиқиш имконияти сақланиб қолди. Учинчи турда нигерияликларни Жанубий Африка терма жамоаси мағлуб этди. Утган ҳафтанинг жума-якшанба кунлари XIX жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларининг иккинчи тур беллашувлари муҳлислару мутахассисларни ҳайратга солди. Германия-Сербия терма жамоалари учрашуви 0:1 ҳисобида мағлуб бўлган германиялик чарм тўп усталарига ўзига хос муаммолар тақдим этган бўлса, ҳамюртимиз Равшан Эрматов бош ҳакамлик қилган Англия-Жапон баҳсида томонлар дарвозаларга гол киритишнинг улдасидан чиқа олмади — 0:0. Словения-АҚШ терма жамоалари учрашувида эса 2:2 ҳисоби қайд этилди. Шанба кунги учрашуларда голландияликлар японияликларни 1:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса, Гана-Австралия баҳси 1:1 ҳисобида якунланди. Камерунликларга қарши майдонда тўп сурган даниялик чарм тўп усталари нихоят 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, муҳлисларини хурсанд этди. Кеча Янги Зеландияликлар билан куч синашган жаҳон чемпионлари италиялик чарм тўп усталари аранг 1:1 натижани қайд этди ва кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолди. Шунингдек, Парагвай-Словакия — 2:0, Бразилия-Кот-д'Ивуар — 3:1 натижаларидан кейин Уругвай, Аргентина, Сербия, Голландия, Бразилия терма жамоаларининг плей-офф баҳсларида иштирок этишига ҳеч ким шубҳа қилмапти, яъни бу борада дастлабки юз физикл натижага Бразилия терма жамоаси эришди. Қолган кўпгина терма жамоаларда ҳам кейинги босқичга чиқиш имконияти сақланиб қолди. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

### ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 19.02.2010 йилдаги 87-04-273-сонли хати ва Тошкент Кимё-технология институтининг 12.03.2010 йилдаги 69-сонли буйруғига асосан, Тошкент Кимё-технология институтига тегишли, Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 32-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Газ-2401» русумли, д/р 11AG760 бўлган, 1975 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 721 538 сўм. 2. «Тико» русумли, д/р 11AN364 бўлган, 1998 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 680 363 сўм. 3. «Тико» русумли, д/р 11AG865 бўлган, 1997 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 889 761 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 21 июл кунини соат 12:00да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 21 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 23 ва 29 июл кунлари соат 12:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда «Сирдарё» ҳавзаси сув ҳўжалиги бирлашмаси Чорбоғ сув омбори бошқармасининг 07.06.2010 йилдаги №26-сонли буйруғига асосан, Чорбоғ сув омбори бошқармасига тегишли, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Чорбоғ кўрғонига сақланаётган, «Нексия» русумли, д/р 11AF023 бўлган, 2002 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 384 933 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 21 июл кунини соат 11:00да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 21 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 23 ва 29 июл кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига «Yengtijmarkaz» МЧЖ Қузатув кенгашининг 11.06.2010 йилдаги 6-сонли йиғилиш баённомасига асосан, «Yengtijmarkaz» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳар Бобур кўчаси, 45-уй манзилида сақланаётган «Опель Omega» русумли, д/р 10AY934 бўлган, 1994 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 123 000 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 21 июл кунини соат 15:00да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 21 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 23 ва 29 июл кунлари соат 15:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004.



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

#### ҲИКМАТЛАР

Сўз яхшидир, чунким на ёмғир, на қор — Унинг биносига қила олгай қор.

Садоқат келтиргай, билинг, саодат.

Беш кунлик дунёга ҳирс қўймоқ нечун, Орттирмақ учунми ғам-андух кучин?

Тамадан парҳез қил, тама — ғам қони.

Яхшилик уруғин эккан хушбахтдир.

Хасисга хасисча этайлик жавоб, Яхшиларга йўлдош бўлмоқ кўп савоб.

Ҳар ким ўз уйида мисоли подшоҳ.

Яхшиликни элда зиёд этингиз, Кўнгиларни яна обод этингиз.

Истаганин ейди, кимда бор бўлса, Ғамдан сарғаяди ким ночор бўлса.

Дили равшан эрур, кимдаки пул бор.

Намат теша билан ушалмас-ку санг?

Ақл — подшоҳ бўлса, тил — паҳлавондир.

Ҳақиқий мардликка дунё эмас тор.

Биз ҳам навбат билан бир-бир ўтармиз, Нечун ёмонликка юзни тутармиз?

Оқил кишиларга андух ярашмас.

Агар инсон бўлсанг бахилликдан кеч, Билки, бахил боғи кўкармагай ҳеч.

Фош бўлур ҳар нечук зинуву риё.

Доно четга қочгай қўринса нодон.

Шукр этмаган кимса бўлғусидир хор. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ  
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
5617 нускада босилади.  
Қоғоз бېғимчи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.